

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1746-ҳадис

1746/4906 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: اللَّهُمَّ

اغْفِرْ لِلْأَنْصَارِ، وَلِأَبْنَاءِ الْأَنْصَارِ. وَشَكَكَ الرَّأْيِي فِي أَبْنَاءِ الْأَنْصَارِ.

1746.4906. Абдуллоҳ ибн Фазл сўзлаб берди:

«Анас ибн Моликнинг шундай деяётганини эшитганман: «Ҳаррада мусибатга учраганларга маҳзун бўлдим. Зайд ибн Арқам менга мактуб ёзди. Менинг қаттиқ маҳзунлигим унга ҳам етибди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аллоҳим! Ансорийларни ва ансорийларнинг фарзандларини мағфират қил!» деяётганларини эшитганини айтибди». - «...ансорийларнинг фарзандларининг фарзандлари» хусусида Ибн Фазл иккиланган.* - Шунда Анаснинг ҳузуридагилардан бири ундан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Қулоғига Аллоҳ кафил бўлган мана шудир», деганлари ўша кишими?» деб сўради».

* Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «...ансорийларнинг фарзандларининг фарзандларини ҳам», деганмилар ё йўқми, аниқ эслай олмаган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI